



YOSHLAR OVOZI

E'TIROF

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти” совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
Унда 17 та номинация бўйича мингдан ортиқ номзод орасидан танлаб олинган 49 нафар иқтидорли ёш иштирок этди. Шунингдек, тadbирда давлат ва жамоат арбоблари, вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари, Ёшлар иттифоқи етакчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мукофот давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, фан-таълим, санъат, маданият, журналистика, спорт каби соҳаларни қамраб олди.
Ҳолилар энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорда пул мукофоти, статуетка ва диплом билан тақдирланди. Улар орасида жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, қўл меҳнати билан ажойиб санъат асарларини яратадиган таллашорлик Барно Нарзуллаева ҳам бор. Тенгдошимиз Ёшлар иттифоқи мукофотида “Йилнинг энг яхши ёш хунар-



манди” номинацияси бўйича сазовор бўлган.
— Тош-мунчоқлар ёрдамида турфа композициялар яратиш, сопол буюмларга зеб бериш билан шугулланаман, — дейди Б.Нарзуллаева. — Ўн нафар шогирдим бор. Қолаверса, яқка тартибдаги тadbирқорман. Янги йилда шахсий бизнесимни ривожлантириб, янада кўп шогирдлар тайёрлашни мақсад қилдим. Бугунги рағбат менга кўшимча куч-гайрат бағишлайди.

Ҳилола АБДУЖАББОРОВА

BIZNESGA QADAM



ANOR SHARBATIDAN SOF DAROMAD

Яқиндагина сирдарёлик Азизбек Маматовга “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида 300 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Энди у “Дехқонобод асл авори” корхонасининг раҳбари.
Тенгдошимиз Мирзаобод туманида анор етиштириш билан шугулланмоқда. Ҳосилни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот — анор шарбати ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.
Азизбек ун та иш ўрнини яратди. Жорий йилда Корея Республикаси, Қозғоғистон ва тожи-

кистонлик тadbирқорлар унинг фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳамкорлик ўрнатишни таклиф қилди.
— Қишлоғимизда анор дарахти кўп экилади, — дейди А.Маматов — Ноёб мевадан шарбат тайёрлаш технологиясини олиб келиб, одамларни иш билан таъминладим. Маҳсулотимизнинг хориджа ҳам бозори чаккон бўлишига ишонаман.

Ҳасан УСМОҲОВ

SARHISOB

ЭЪТИБОР ОҒУШИДА ЮКСАЛАР АЁЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида Хотин-қизлар кўмитасининг сўнги беш йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди.
Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар давлат бошқаруви ва ҳокимлик органларида, ишлаб чиқариш тармоқлари, қолаверса ижтимоий-маънавий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда самарали меҳнат қилиб келмоқда.
— Бугунги кунда жамоат ташкилотларида 1 минг 388 нафарга яқин аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатяпти, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева. — 3 минг нафарга яқин номзодлар кадрлар захирасига қиритилиб, уларнинг касбий малакасини ошириш юзасидан алоҳида дастурлар асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан бирга 245 минг нафардан ортиқ ишсиз хотин-қиз бандлигини таъминлашга эришилди.
Яна бир маълумот. Республика бўйича оғир турмуш шароитида яшаётган 47 минг нафарга яқин, шундан 14 минг 600 нафари ногирон хотин-қизнинг рўйхати шакллантирилиб, улар билан тизимли ишлар олиб борилади. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам жиддий эътибор қаратилган.
Олиб борилаётган профилактик ишлар натижасида хотин-қизлар жиноятчилиги 35,7 фоизга камайди. 2017 йилда бу кўрсаткич 11 фоизни ташкил қилган, холос.
Анжуманда хотин-қизлар масалаларида учраётган муаммолар ва келгуси режалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли вазифалари белгилаб олинди. Хотин-қизлар кўмитасининг янги тахрирдаги устави қабул қилинди.

Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА

ҚАЛЪДА



Меҳр-мурувват бўлса...

Айни пайтда кар-соқовлар ўртасида саводхонлик даражаси тушиб кетган. Бундай ёшлар олийгоҳга қираётганда сурдолоғлар ёрдамидан фойдалана олмайди. Шу боис марказда ана шундай мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Уларни керакли ташкилотлар, олий ўқув юртларига тавсия қилишни мақсад қилганмиз.



EKSKLYUZIV

ҚАНДАЙ ТАҲЛАШ ЭМАС, ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАШ МУҲИМ

Мазкур тажриба Ўзбекистонда ҳам татбиқ этилса, давлат бошқаруви соҳасида тенг имкониятлар тамойиллини амалда қўллай олган бўлаемиз.



ҲОКИМ ТАЛАБАЛАРГА ТАКЛИФ БИЛАН ЧИКДИ


Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаев Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларини 2019 йилда битирадиган сирдарёлик талаба-ёшлар билан учрашди.
Учрашув пойтахтимиздаги мухташам “Фаровон” ресторанида Янги йил байрами муносабати билан ёзилган дастурхон атрофида ташкил этилди.
Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари У.Бегимқулов, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Ш.Қуратхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда ёш кадрларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга чекка туман ва қишлоқларда ҳам муносиб меҳнат шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.
Гофуржон Мирзаев вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар, истикболдаги вазифалар ҳақида сўзлаб берди.
— Олий таълим муассасасини битириб, вилоятга қайтган ёшларни уй-жой билан таъминлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари О.Абдуғаниев. — Айнан шу мақсадда вилоят марказида кўп қаватли янги уйлар, қишлоқларда

шароити шаҳардагидан асло қолишмайдиган турар жойлар бунёд этилмоқда. Бу уйлардан ёш мутахассисларга ҳам қондонлар ажратишни режалаштирганмиз. Ишонимизки, ёшлар бу чорловга жавобан вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшади.
Дарҳақиқат, пойтахтимизда Сирдарё вилоятдан 3,5 мингдан ортиқ талаба турли мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларида тахсил олмоқда. Бугунги кунда вилоятда тармоқлар, айниқса, тиббиёт соҳасида кадрлар етиштиришнинг яқол сезилаётган. Шунингдек, педагог, муҳандис, архитектор, ирригатор, агроном ва яна бир қатор мутахассисликлар бўйича кадрларга эҳтиёж қатта экани тadbирда алоҳида таъкидланди.
— Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети энергетика факультетида ўқийман, — дейди боёвтулик Алимардон Абдувалиев. — Вилоят ҳокимининг ушбу тadbирдаги таклифи бизнинг келгуси режаларимизни амалга оширишга, мақсадимизга эришишга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Ўқишни битиргач, вилоятимиздаги ирригация тармоқларида кичик гидроэлектростанциялар қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчиман.

Абдуҷалол ҚАЮМОВ,
ЎЗА мухбири

EKSKLYUZIV

Давлат ташкилотларида хизмат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз жорий йилнинг ноябрь ойида Корея Республикасининг бошқарув соҳасидаги тажрибасини ўрганиш мақсадида шу мамлакатга сафар қилганди. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида Инновацион ривожланиш вазирлигининг тадқиқотлар, давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Камол Тагаев ҳам қатнашган. Ёш мутахассис газетамиз мухбирига сафар давомида ўзлаштирилганлари ҳақида сўзлаб берди.



ҚАНДАЙ ТАНЛАШ ЭМАС, ТАЙЁРЛАШ МУҲИМ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА:

**150 МИНГ НАФАРДАН
ОРИҚ ДАВЛАТ ХИЗ-
МАТЧИСИ МАВЖУД.
УЛАРГА ТЎҚҚИЗТАГАЧА
РАНГ, ЯЪНИ ДАРАЖА
БЕРИЛИШИ МУМКИН.
1-3-РАНГЛАРГА
ВАЗИР, ВАЗИР ЎРИН-
БОСАРЛАРИ ВА СЕК-
ТОР МУДИРЛАРИ,
3-5-РАНГЛАРГА БОШ-
ҚАРМА БОШЛИҚЛАРИ,
УЛАРНИНГ ЎРИНБО-
САРЛАРИ ҲАМДА БЎ-
ЛИМ БОШЛИҚЛАРИ,
6-9-РАНГЛАРГА ИДОРА
ХОДИМЛАРИ КИРАДИ**



ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Шунда давлат бошқаруви соҳасида тенг имкониятлар тамойилини амалда қўллаш олган бўламан.

Кореяда давлат хизматчисига эгалаб турган лавозими эмас, балки иш самардорлигига қараб ҳақ тўланади. Меҳнатни рағбатлантириш тизими биргина мана шу тамойилга қурилган. Бундай ёндашув ҳар жиҳатдан адолатли бўлиб, соғлом рақобатни юзага келтиришга ёрдам беради.

Жанубий Кореяда ходимларни бошқаришнинг e-Saram деб номланган электрон тизими амалда. Унда ходимларни бошқариш, ойлик маош тайинлаш, фаолияти самардорлигини баҳолаш ҳамда малакасини ошириш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади ва назорат қилинади.

E-Saramда давлат ташкилотлари ходимларини бошқариш бўйича ўн та ва уларни марказлаштирилган ҳолда бошқаришга доир яна ўн тўртта хизмат тури жорий қилинган. Бу борада Кореядан ўрнатилган олсак арзийди. Зотан, Ўзбекистонда давлат органлари ва ташкилотларида ишлайдиган ходимлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш вақти келди. Мазкур тажриба малакали кадрларни саралаш ва салоҳиятидан самарали фойдаланишда асқатишга ишончим комил.

Корея Республикасида раҳбар кадрлар куйидаги беш жиҳатни ўзида муҳасаса эта олиши зарур: келажакни кўриш ва стратегия тузиш, инновацион фикрлаш, муаммоларни ҳал қила олиш қобилияти, меҳнатқаш ва аҳил жамоани шакллантириш, ҳамкорликка мойиллик.

Менинг алоҳида хурматини қозонган жиҳат шуки, Кореяда давлатга – хизмат

**ДАВЛАТ ИДОРАСИ
ХОДИМИГА У ЎЗ ТАШ-
КИЛОТИГА НЕЧОҒЛИҚ
ФОЙДАЛИ БЎЛА ОЛ-
ГАНИ ВА МАЖБУРИЯТЛА-
РИНИ АНГЛАГАНИ, ИШ
РЕЖАСИНИ БАЖАР-
ГАНЛИК ДАРАЖАСИ,
ФИКРЛАШ ДОИРАСИ
ҲАМДА МУРОЖААТ
ЭТУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ
МУНОСАБАТ КЎРСАТ-
ГАНИГА ҚАРАБ БАҲО
БЕРИЛАДИ**

нафардан ортиқ давлат хизматчиси мавжуд. Уларга тўққизтагача ранг, яъни даража берилиши мумкин. 1-3-рангларга вазир, вазир ўринбосарлари ва сектор мудирлари, 3-5-рангларга бошқарма бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бўлим бошлиқлари, 6-9-рангларга идора ходимлари киради.

Буни қарангки, давлат секторидagi айрим лавозимларга фақат ногиронлиги бор шахслар тавсия қилинади. Умуман олганда эса, ҳар қайси давлат тузилмасида жисмоний имконияти чекланганлар учун 7, ижтимоий ҳимояга муҳтож катлам вакиллари учун 3 фозлик квота ажратилган.

Мазкур тажрибани Ўзбекистонда

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИ-
ЛАРИ УЧУН АХЛОҚ ҚО-
ИДАЛАРИ ҲАМ ИШЛАБ
ЧИҚИЛГАН. ҚОИДА-
БУЗАРЛАР ЖАВОБГАР-
ЛИККА ТОРТИЛАДИ**

кўрсатувчи, фуқароларга – истеъмолчи сифатида қаралади. Шунингдек, давлат хизматига муносиб номзодни қандай танлаб олиш эмас, балки қандай тайёрлаш керак, деган янгича ёндашувга амал қилинмоқда.

Наргиза УМАРОВА ёзиб олди.

MENDА TAKLIF BOR

КИТОБ-ГАЗЕТАЛАР РЕКЛАМА ҚИЛИНСИН

Дилноза АТЎЕВА,
талаба

Ҳар куни кимдир ўқишга, кимдир ишга отланади. Бу пайтда автобуслар ва метро вагонлари доимо гавжум. Бундай вазиятда манзилга етиб боргунча нима биландир андармон бўлгинг келади. Аммо тикилинчда на китоб ва на газета-журнал ўқиб кетишга имкон бор. Нонлож ҳар куни кўравериш, бадга уриб кетган реклама ва эълонларни қайта-қайта ўқишга мажбур бўласан, киши.

Ўйлаб қоламан, масалан, метрода дори-дармонлар рекламасини жойлаштириш қанчалик тўғри? Ахир, кўпчилик уларни шифокор тавсиясиз ўзбошимча харид қилиб яна бирон дардга йўликмаслигига ҳеч ким қафолаб бермайди. Ёки энергетик ичимликларни олайлик. Шифокорларнинг таъкидлашича, ёшларнинг бундай маҳсулотларга ўрганиб қолиши натижасида кислоталар етишимчилиги, тахикардия, гипертония, асаб касалликларига чалиниш эҳтимоли ортмоқда. Бундан ташқари, уларни мунтазам

истеъмол қилишдан бош оғриғи, кўнгил айниши, уйқусизликни келтириб чиқаради. Кунлик меъёр 250 миллиграмдан ортса, ўта оғир асоратлар, ҳатто, ўлимга олиб келиши мумкин.

Хўш, унда нега инсон ҳаёти учун хавфли маҳсулотларни ҳаммаёқда реклама қилишдан қайтмаймиз?! Тўғри, пул тўлаган хоҳлаган мусикасига буюртма беради. Бироқ оқибати ҳақида кимдир ўйлаши керак-ку! Афсуски, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Олди-қолди реклама баннерлари ўрнига буюк аллома-

ларимизнинг бой маънавий мероси, хикматлари ёхуд бугунги кунда нашр этилаётган сара адабиётлар тарғиб қилинса, нур устига нур бўларди.

Ахир, орамызда на забардаст ёзувчи-шоирларимиз, на улар ёзган ўлмас асарлар ҳақида тайинли гап айта оладиган ёшлар кам дейсизми. Жамоат транспортида бадий асарлар рекламасини кўравергач, аминманки, бир кун келиб улар шу китобларни қўлига олиб, мутулаа қилади.

Талбиркор маҳсулотини истеъмолчилар орасида тарғиб қилиш орқали даромад топишни кўзлайди. Ва, албатта, бунинг учун ҳаракат қилади. Нега энди нуфузли маънавият-маърифат марказлари, мағбаа ижодий уйлари ушбу ишларга бош қўшмайди?!

Яна бир фикр. Юртимизга келатган хоржий сайёҳлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Улар метрога ҳам юради. Шундай ҳақида кимдир ўйлаши керак-ку! Афсуски, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Олди-қолди реклама баннерлари ўрнига буюк аллома-

ESHITDINGIZMI?

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН “АҚЛИ ҚУТИ”ЛАР

Рохатой ҚОДИРОВА


Инновацион ривожланиш вазирлиги республикамиз мактабларида Q-Box ускунасини ўрнатишга киришди. Ушбу хайрли мақсад учун давлат Сурхондарё вилоятидаги юзта таълим муассасаси танлаб олинган.



Илк Q-Box Термиз шаҳрининг “Солибод” маҳалласи ҳудудидаги 6-умумтаълим мактабига etkazib берилди. Янги йилгача ушбу инновацион гаджетдан яна 20 та мактаб ўқувчилари фойдаланиш имконига эга бўлади.

Q-BOX ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН КЕРАКЛИ ВА ФЙДАЛИ КОНТЕНТИНИ ЎЗ ИЧИГА СИҒДИРГАН УЛКАН ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАНИ ЭСЛАТАДИ. У НАҒАҚАТ ЎҚУВЧИ, БАЛКИ ТАЛАБА-ЁШЛАРГА ҲАМ БИРДАЙ АСКАТИШИ АНИК.

Q-Boxда, шунингдек, инглиз, рус, француз, немис, корейс, хитой ва бошқа тилларни ўргатишчи замонавий интерфаол ўқув курслари, қолаверса, энциклопедиялар, таржимон дастурлар мавжуд.



Ускунага компьютер, ноутбук смартфон ёки планшет орқали уланishi мумкин. Мухими, Q-Boxдаги барча ахборот ресурслари махсус ишчи гуруҳи тасдиқдан ўтган бўлиб, миллий кадрларимизга мос ва мафкуравий таҳдидлардан мутоқо ҳолидир.

Мутахассисларнинг айтишичи, ишланма ўқув адабиётлари билан боғлиқ муаммони ечишга ҳам ёрдам беради. Зотан, унда барча синфлар учун яра-

тилган дарсликларнинг электрон нусхалари жамланган. Эҳ-хе, буларни кўя туринг.

**Q-BOX ХОТИРАСИГА
ҲАТТО АЛИШЕР НА-
ВОЙИ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКISTON МИЛ-
ЛИЙ КУТУБХОНАСИДА
САҚЛАНАЁТГАН БАРЧА
КИТОБЛАРИ СИҒДИ-
РИШИ МУМКИН.**

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Лойиҳанинг иккинчи босқичи сифатида

**МАКТАБЛАРИМИЗНИ
EDUBOOK УСКУНАСИ
БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ
КЎЗДА ТУТИЛГАН.**

Персонал компьютерлар кимматлиги босиб, кўпгина таълим даргоҳлари, айниқса, қишлоқ жойларидаги мактабларнинг моддий-техник таъминоти оқсаяпти. Натижада болаларга замонавий ахборот технологиялари асосида билим беришнинг имкони йўқ. Табиийки, бундай шароитда юқори интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш қийин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги муаммога оптимал ечим топганга ўхшайди. Муомалага киритилаётган EduBook компьютерлари арзон ва қулайлиги билан ажралиб туради. Уларга астрономия, геометрия, чизмачилик, география фанларини кизикарли ўтишга ёрдам берадиган 3D чизмалар, электрон кўринишдаги лаборатория ишлари ҳамда болалар учун мўлжалланган рақамли кодлаш дастурлари ўрнатилган.

Янги авлод электрон қурилмалари яқин истиқболда миллий таълим тизимини халқаро стандартлар даражасига кўтарилиш имконини беришига ишонамиз.

OGONLIK — DAVR TALABI

ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙГАН

Жавоҳир ЙЎЛДОШЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
бошқармаси катта тезкор вакили

Ички ишлар органларининг жиноят-қилдирув хизмати ходимлари томонидан гиёҳвандликка қарши курашиш борасида бир қатор мақсадли чоралар қўрилмоқда.

Жумладан, йил бўйи ўтказилган тарғибот тадбирларига 6 минг 52 нафар профилактика инспектори, таълим муассасаларининг 5 минг 750 нафар, жамоат ташкилотларининг 2 минг на-

фардан зиёд вакили, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмасининг 5 минг 952 нафар аъзоси иштирок этди.

Профилактика ишлари давомида аҳолининг барча қатламларига гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари тушунтирилди. Жиноят-қилдирув хизмати ходимлари бу мавзуда маҳалла-ларда 5 минг, мактабларда 7 минг, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда салкам 1 минг 500, олий ўқув юртиларида 860, қорхона ҳамда ташкилотларда минг маротабадан ортиқ учрашувлар ташкил этди. Уларга 3 миллион 500 минг нафардан

зиёд фуқаро камраб олинди.

Давра суҳбатлари ва семинарларда фақат мавзуга доир маърузалар билан чекланиб қолинмай, “Қабоҳат”, “Ажал тўри”, “Ўчирилган ирода” номли бадий фильмлар ҳам намойиш этилмоқда.

Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлари доирасида ўнлаб спорт мусобақалари, бадий ва саҳналаштирилган чиқишлар ҳам ташкил қилинган.

Профилактик тадбирлар натижасида воғта етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичи 55,6 фозга камайган.

SUHBATDOSH

— Раъно Одиловна, сизни кўпчилик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист сифатида яхши таниди. Бирок карьерингиз йилдан буён эшитиш имконияти чекланган болалар билан ишлашингиздан ҳамма ҳам хабардор эмас. Бугун эса, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказига раҳбарлик қилингиз. Аввало, мазкур ташкилотнинг фаолияти ҳусусида фикрлашсак.

— Тўғри айтасиз. Ҳаёт тақозосига кўра санъат соҳасида ҳам имкон қадар ижод қилдим. Бирок ҳозир ўзим астойдил кизикадиган йўналишда кўпроқ меҳнат қиламан. Асосий вазифамиз имконияти чекланган ёшлар ва болаларнинг таълим олиш имкониятларини яхшилаш, ахборот бериш, уларга янги кўникмаларни ўргатиш, ижодий интилишлари, бизнес гоёлари ва тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш, ёрдам муҳтож ёшлар ва болаларга ёрдам бериш мақсадида хайрия маблағларини жалб этишдан иборат. Бу марказ имконияти чекланган кўпгина ёшлар учун трамплин. Уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун имкониятлар яратиб берадиган ташкилот саналади. Ёшлар иттифоқи 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшларни камраб олса, биз болаларга тугилганидан бошлаб, 35 ёшгача гамхўрлик қиламиз. Нафақат болалар ва ёшлар, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам ишлаймиз. Чунки аксарият имконияти чекланган ёшлар уйда ўтиради. Ота-оналари билангина мулоқотда бўлади. Биз улар орқали болалар билан алоқани йўлга қўямиз. Фаолиятимиз кенг қамровли. Ёшлар, болалар, ота-оналар бўлимлари, ўқув қўлланма, санъат, маданият, тадбиркорлик йўналишларида малакали мутахассислар иш олиб боради. Ҳар бир ҳудудда координаторларимиз бор.

Айни пайтда қатор лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Республиканинг олис ҳудудларида семинар-тренинглар ўтказиб, имконияти чекланган ёшлар учун яратилган шароитлар, имтиёзлар ҳақида тушунча бераёламиз. Хусусан, “Сен ўз ҳуқуқингни биласанми?” лойиҳаси уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга йўналтирилган. Жойларда олиб борган тушунтириш ишлари натижасида жорий йилда жуда кўп ёшларимиз олий ўқув юртига ўқишга кирди. Уларнинг сони ўтган йили 450 нафарни ташкил қилган бўлса, бу йил яна 100 нафарга кўпайди. Бу биз учун ютуқ.

Ўзбек халқи меҳрибон халқ. Аммо ана шу раҳмдиллик билан кўпгина инсонларни боқиманда қилиб қўяётганимиз ҳам бор гап. Бу нотўғри. Имконияти чекланган инсонга моддий кўмак беришдан кўра, унинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганган ҳолда маълум бир касб ёки хунарга ўргатиш афзалроқ.

Имконияти чекланган ёшларнинг яшаш шароитини ўрнаётганда, уларга айнан нима кераклиги борасида суҳбатлашамиз. Муаммоларни фақат юзма-юз мулоқотда билиш мумкин. Ишни айнан шундан бошладик. Ҳар бир ҳудудда муаммолар турлича. Битта ёндашув ҳамма вилоятларга ҳам тўғри келмайди.

Масалан, волида ногиронлигининг асл сабаблари аксарият ҳолларда қариндошлар орасидаги ниҳон бўлса, Қорақалпоғистонда бу нарсага руҳсат берилмаган. Яқинда марказимизга ёшгина она келди. Унинг бувиси қариндошга турмушга чиққан ва ногирон болани дунёга келтирган. Бу аёл учинчи авлод бўлса-да, фарзанди носоглом туғилибди. Афсуски, ногиронлик етти авлодгача насл суриши мумкин. Ҳатто бола соғлом дунёга келса-да, тана аъзолари бир-бир ишдан чиқа бошлайди. Бундай болалар кўпи билан 16 ёшгача ҳаёт кечиради. Энди тасаввур қилинг, боласи эртами-кечми нобуд бўлишини билган она қандай яшайди?

Биз ҳар бир учрашув, тренингларда қариндошлар ўртасидаги ниҳоннинг салбий оқибатлари

ҚАЛЪДА

меҳр-мурувват бўлса...

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази ташкил этилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Марказ ўтган қисқа вақт давомида имконияти чекланган ёшлар қатламини, жумладан, ногиронлиги бўлган, кўзи ожиз, заиф эшитувчи ва муомала лаёқатига эга бўлмаган ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда тенг имкониятлар яратиб бериш, ҳуқуқий, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш борасида салмоқли қадамларни қўйди. Марказ раҳбари Раъно Шодиева билан суҳбатимиз айти йўналишдаги ишлари ҳусусида бўлди.

ҳақида чуқурроқ тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

— **Имконияти чекланган ёшларнинг жамиятдаги ўрни жуда муҳим. Бугун уларнинг таълим олиши ва касб-хунарга эгallaши борасида қилинаётган ишлар ҳусусида тўхталсангиз.**

— Кўпчиликнинг наздида ногиронлар — қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, фақат кўмакка муҳтож

ҳамма нарсага эришиш мумкинлигининг исботидир.

Баъзи кар-соков ёшларнинг ота-оналари уларнинг тилида сўзлашолмайди. Ахир, бундай ҳолатда улар фарзандига тарбия беради, қандай дардлашади?! Бола-ку интернатда ўрганиб кетади, лекин она ўрганолмайди, фикрини ифода қила олмайди. Айрим ишоралар билангина мулоқотда бўлади. Мен ота-оналарни айблаш фикридан йироқман. Сабаби уларга ҳеч қим

сурдологларнинг йўқлиги муаммо бўлиб турибди. Уйлайманки, биз тайёрлаган сурдологлар кар-соков ёшларимизнинг олий ўқув юртида мукамал билим олишларида катта ёрдам беради.

— **Жамоат жойларида имконияти чекланганларга кўзи тушиб, ўзини олиб қочадиган, уларга бегона назар билан қарайдиганлар ҳам учраб туради...**

миз-у, уларга ўзимиз-да беихтиёр кўшилиамиз.

Нега ҳалиям ногиронлик юкми эмаслигини, у ҳар доим ҳам наслдан-насла ўтмаслиги ҳақида билмаймиз?! Буларни фақат мутахассислар билиши керак деб ўйлаймиз. Ногиронларга тўғри муносабат қачон шаклланади? Минг афсуски, бу саволлар ҳамон очиклигича қолмоқда.

Кўп кузатаман, кар-соковлар оиласида туғилган болалар соғлом



инсонлар. Аслида ундай эмас! Улар ҳам ўз имкониятлари даражасида жамиятга фойдали инсон бўлишга ҳаракат қилади.

Хусусан, марказимизда доимий тарзда “Бизнес сирлари” мавзусида семинар-тренинглар ўтказилади. Уларга жисмоний имкониятидан қилиб чиқиб, тадбиркорлик билан шугулланиши мумкинлигини тушунтиряпмиз. Айниқса, таълим олишига алоҳида эътибор қаратилади. Жисмоний имконияти нечоғлиқ чекланганидан қатъи назар, ёшларни ўқитиш мумкин. Марказимиз ходимларининг ярмидан кўپини II ва III гуруҳ ногиронлиги бор ўғил-қизлар ташкил қилади.

Вилоятлардаги координаторларимиз ичида ҳам имконияти чекланганлари бор. Улар жисмонан етук бўлмаса-да, лекин жуда билимли, интилувчан, олий маълумотли ёшлар. Бу эса, ҳаётда

ҳеч нарсани ўргатмапти-да!

Бугунги кундаги асосий вазифамиздан бири ана шундай ота-оналар учун махсус ўқув марказини ташкил этиш. Уларга руҳий кўмак бериш ҳам кўзда тутилган.

Айни пайтда кар-соковлар ўртасида саводхонлик даражаси тушиб кетган. Бундай ёшлар олийгоҳга қираётганда сурдологлар ёрдами билан фойдалана олмайди. Шу боис марказда ана шундай мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Уларни турли ташкилотлар, олий ўқув юртига тавсия қилишни мақсад қилганмиз. Бу борда қонунлар бор-ку, аммо ҳали ҳам ўрганилмапти. Тўғри, ёшларимиз учун 2 фойзлик квоталар берилган, шароитлар яратилган, лекин тизим тўлиқ ишга туширилганча йўқ. Ҳозирги кунда кар-соков ёшларимиз олийгоҳларда таҳсил оляпти, лекин

— Афсуски, статистик маълумотларда ногирон ёшлар сони камайириб кўрсатилади. Лекин ҳудудларга чиқиб, уйма-уй юриб аслида бундай болалар анча кўплигига гувоҳ бўляпман. Асосий сабаб яна қариндошлар ўртасидаги ниҳон, қизларнинг эрта турмуш қуриши.

Бир вилоятда бўлганимда ногирон боласини йиллаб уйда беркитиб ўтирган оилага дуч келдим. Ҳатто қўшнилари бундан беҳабар экан. “Нима сабабдан бундай қилдингиз?” — деган саволга “Одамлар кизимга совчи жўнатмай ёки менга киз бермай қўйишдан қўрқдим. Ахир, бошқа фарзандларим ҳам бор-ку”, — дея жавоб берди.

Афсуски, жамиятимизда ногирон болани, унинг оиласини қабул қилмаслик ҳолатлари кўп. Худди ногиронлиги юкиб қоладигандек ўзини олиб қочадиганларни кўра-

бўлса-да, улар билан биров кўда-анда бўлишни истамайди. Бундай оилалар киз олса ундан туғилдиган фарзанд ҳам кар-соков бўлади, деб ўйлайди. Йўқ! Бу ирсий эмас.

Бола носоглом туғилса, ота-оналар уни ҳеч нарсага лаёқати бўлмайди, дея тушунликка тушиб қолади. Аслида ундай эмас. Кимнингдир ёрдами билангина ҳаракатлана оладиган, иктидорли ёшлар орасида интернет сайтларини очган, компьютер технологияларини яхши биладиганларни кўп учратганман. Имконияти чекланган бўлса-да, улар доимий ҳаракатда. Ўз олдига қўйган мақсадига эришяпти.

Ўзбекистонда бундай иктидорли ёшлар кўп. Ота-она ҳар қандай бола, соғлом ёки имконияти чекланган бўладими, унга қанча меҳр берса, шароит яратса, натижа

шунга яраша бўлишини яхши англаши керак. Шифокорлар назоратида оила қуриб, соғлом фарзанд кўрган ёшларимиз ҳам бор. Шу боис ота-оналар фарзандларини мустақил ҳаётга пухта тайёрлаши лозим.

Бир семинар-тренингда болаларга савол берсам, фақат оналари жавоб берди. Кўпчилигининг ёши катта. Боласи мустақил фикр юриштишига она йўл қўймапти. Бу эса, болани руҳан сиңдириб қўяди. Ота-она ногирон фарзанди билан бутун ҳаёти давомида бирга бўла олмайди. Улар мустақил бўлиши, ўз ҳаётини ўзи режалаштириши зарур. Аммо марказимизга ўзи келиб, фарзандининг тарбияси, руҳияти, саломатлигида учраётган муаммолар ҳусусида маслаҳат ва тавсиялар олаётган ота-оналар ҳам бор.

— **Бошқа давлатларда жисмоний имконияти чекланган ёшлар тенгдошлари билан бирга ўйнайди, гаплашади. Нега бизда ундай эмас? Бунга тўққислик қилаётган жиҳатлар нималарда деб ўйлайсиз?**

— Чунки халқимиз ногиронлигини тўғри қабул қилмайди, бунга тайёр эмас. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган болаларнинг мактабга таълим муассасасида тарбияланишига психологик тўққислик бор. Улар махсус муассаса ёки мактабда таҳсил олиши керак. Бу ҳам жуда катта муаммо. Биз шундай инсонларни жамиятга қанчалик кўп олиб кирсак, давлатимиз учун фақат фойда бўлади. Ҳар бир имконияти чекланган инсон қайсидир касбининг етук мутахассиси бўлиши мумкин. Лекин болаликдан унга бу нарса сингдирилмаса, унга бошқача ниҳон билан қаралверса, бола руҳан синди ва ҳаётда ҳеч қандай мақсади қолмайди. Бу ижтимоий аҳамиятга молик катта масала.

Японияда қизик тажрибани кузатдим. Бу мамлакатда имконияти чекланган фарзанд туғилиши билан давлат унга эътибор бера бошлайди. Ҳамма мутахассислар жалб этилади. Мисол учун, кар-соковларнинг махсус мактаб-интернатиди “кичкинтои” деб номланувчи уч-тўртта хона ташкил қилинган. Етакчи мутахассислар ўша хоналарда чақалогли билан келган оналарга ёрдам кўрсатади. Психологлар ота-она ва бола билан биргаликда машгулотлар олиб боради. Бола билан қандай парвариллаш зарурлиги борасида тавсиялар берилади. Эҳтиёждан қилиб чиқиб “куёшли” (даун), кўзи ожиз, акли заиф, кар-соков болаларга, алоҳида муолажа қилинади. Натижада мактаб ёшига етиб, бола кўп нарсага руҳан тайёр бўлади.

“Куёшли” болалар олий таълим муассасаларини муваффақиятли тамомлаётган ёки катта бир спорт мусобақаларида голиб бўлаётганини дунё тажрибасида кузатяпмиз. Москвада кўзи ожиз ва кар-соков болалар учун махсус интернат бор. Улар маълум бир касб-хунарга ўргатилади. Бу тажрибаларни ўрганиб келдик. Таклифларимиз жуда кўп. “Меҳрли қўллар” хайрия фондиди ташкил қилдик. Унинг ҳисобига тушган маблағ имконияти чекланган болалар, ёшлар учун керакли дори-дармонлар ва операцияларга сарфланади.

Муҳими, биз имконияти чекланган ёшлар ва болажонларнинг ҳаётга бўлган умиди ҳамда ишончини ошириб, улар ҳеч қимдан кам эмаслигини тушунтиришимиз зарур.

Зеро, ҳар бир инсоннинг қалбида келажакка бўлган муҳаббат бисёр. Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази олдида катта вазифалар турибди. Бу эса, бизга янада катта масъулият юқлайди.

— **Биз учун вақт ажратганингиз учун раҳмат. Умид қиламизки, бугунги суҳбатимиз келгуси ҳамкорлигимизнинг дебочаси бўлади.**

— Албатта, саломат бўлинг.

Рисолат МАДИЕВА

TAASSUROT

Kelajak sari yo'l

Madina NORCHAYEVA,
talaba

Qulog'imizga tanish, ammo aslida g'ayrioddiy shovqinlar bilan tong boshlanadi. Ular shunchalik ko'pki, o'zimizga qadrlisini izlab diqqat bo'lamiz. Hadisda: "Dunyo uxlayotgan odamning ro'yosidir", — deb yozilgan. Biz ro'yolarimizni-da doim ilg'ayvermaymiz. Nogahon bir kuni ko'ngilning murodi uchun xonada yolg'iz kitob mutolaa qilgimiz, tabiat qo'ynida sayr etgimiz yoki qaysidir mashg'ulot orqali uning amrini bajargimiz keladi.

Shunday kayfiyatdamisiz, yuring muzeyga boramiz. Ishonamanki, ibtidoiy odamlar hayoti huvillab qolayotgan qalbmizga olam-olam ma'no olib kiradi, hayrat bag'ishlaydi. O'zbekiston davlat san'at muzeyida "Qadimgi madaniyat durdonalari: Termiz arxeologiya

muzei xazinasidan" nomli ko'rgazma ochilgan. Ekspozitsiyani tomosha qilib, yurtimizning yuz ming yillik tarixidan g'ururlandim. Undagi har bir eksponat vatanimiz tarixiy merosi naqadar boy ekanidan dalolat beradi.

Surxon — ko'hna sivilizatsiyalar beshigi. Moziyning izlari qolgan bu vohaga har kuni ham kelavermaysiz. Ahyonda biron sabab tug'ilib borganida ham Termiz arxeologiya muzeini aylanib chiqmaymiz. Keling, olisdan bo'lsa-da shu ajib maskanga bir nazar tashlaylik.

Muzey Markaziy Osiyoda yagona. U Termiz shahrining 2500 yilligi munosabati bilan tashkil etilgan. Muassasa binosi 100 ming eksponatni o'z ichiga sig'ira oladi. Hozir turli arxeologik topilmalar, numizmatika fondiga tegishli 20 mingdan ziyod eksponat mavjud.

Vohada ilk shahar-davlatlar, sug'orma dehqonchilik shakllari paydo bo'lgani tarixdan ma'lum. Zarautsoy qoyatosh suratları, Teshiktosh g'ori, Sopolitepa, Jarqo'ton madaniyati kabi tarixiy

maskanlar shonli o'tmishimizdan hikoya qiladi. Muzey xalqaro miqyosda o'tkaziladigan ko'rgazma va anjumanlarda muntazam ishtirok etib kelmoqda.

O'zbekiston davlat san'at muzeyida tashkil qilingan ko'chma ko'rgazmada har bir topilma o'tmish haqida so'zlayotgandek tuyuladi. Ajdodlar zakosidan shahodat beradi. Yonimda bir qizning: "Uff, endi qayerda bitta idish topilsa boraveramizmi?" — degan e'tirozi qulog'imga chalindi. U yozg'ir-gancha Buddaning boshsiz haykali yonidan uzoqlashdi. "Ibtidoiy bo'lish intihoyi bo'lishdan afzal", — degan o'y xayolimni tirnab o'tadi. Ko'z o'ngimda esa, xarsang ustida o'tirgan ibtidoiy odam mahzun jilmayadi.

Ayni chog'da yaponiyalik arxeolog Kato Kyudzo yodimga tushadi. "Do'stlik" ordeni sohibi va Termiz shahrining faxriy fuqarosi bo'lgan bu olim yurtimiz tarixini chuqur o'rgandi. Uni janub mo'jizasi o'ziga mahliyo etadi. Izlanishlari sabab tarix fani darsliklarimiz yanada takomillashmoqda.

Yon-atrofimni kuzataman. Eksponatni hayrat bilan tomosha qilayotgan tengdoshlarimni ko'rib boyagi qizni unutaman. Yoshlar oynato'siq ortidagi buyumlarga qarab o'zligi haqida o'y surayotganini bilib olish mushkul emas. Tarix bizga o'zimizni tanitadi. Ajdodlari bilan faxrlana olgan avlod esa, kelajakka dadil qadam tashlay oladi. Zero, moziyga sayohat kelajak sari yo'l, degani.

TOSHOYNA

Shoir bo'laman, deb...

Otabek ISROILOV

Odatiy ish kunlaridan biri. Eshik taqillab, bir ayol "Mumkinmi?" — deya bosh suqdi. Orqasidan jajji qizaloq kirib keldi. Salom-alikdan so'ng, ayol o'zini tanishtirdi. Aytishicha, opa maktabda ona tili va adabiyotdan dars beradi, haligi qizcha esa, uning o'quvchisi ekan.

Muallima biroq taraddudlanib, muddaoga o'tdi:

— Shu-uu... O'quvchim she'r yozadi. Haligacha biron gazetada nashr ettirmagan. Shunga kelgandik. Hozircha gazetada e'lon qilinsin, keyin kitobini chiqaramiz.

Ijod namunalari bilan tanishdim. She'r yozish qonun-qoidalarini suv qilib ichmagan bo'lsam-da, qizning yozganlarida talaygina kamchilik bor edi. Boz ustiga, ma'no emas, qofiyaga zo'r berilgan, vaznga e'tibor bermagan shundoqqina bilinib turardi. Ustoz ko'rishi kerak, degan xulosaga keldim va gapimni misol bilan tushuntirishga kirishdim:

— Rivoyat qilishlaricha, bir qishloqda Rahmonqul ismli yigit bo'lib, otasi vafot etgach, kekka onasi bilan qolibdi. Bisotida faqat sigiri bor edi, qirdan shuvuq terib, kun ko'rardi.

Nima bo'ldi-yu, Rahmonqul shoirlikni havas qilib, qog'oz qoralabdi. Yozganlarini hamqishloqlariga o'qib bersa, ular Rahmonqulga Hazrat Navoiy bilan uchrashishni va she'r yozishni o'rgatishni maslahat beribdi. Bu maslahat unga ma'qul tushib, Hirota jo'nabdi.

Yigit shoirni topib boribdi, Alisher Navoiy Rahmonqulning so'zlarini diqqat bilan tinglab, uning oldiga qog'oz va qalam qo'yibdi-yu, she'r bitishini so'rabdi. Rahmonqul ilhom yo'qligini aytibdi. Shunda Navoiy undan biron she'rni o'qib berishini so'rabdi. Yigit esa, shoirlik ijodi bilan qiziqmagani aytibdi. Oxiri Navoiy undan hech bo'lmasa ashula aytib berishini so'rabdi. Rahmonqul tanburning u qulog'ini, bu qulog'ini burab, tobiga keltirilmay halak bo'lganini ko'rgach, tanburni bir nafasda sozlab, qaytarib beribdi. Shunda ham Rahmonqul qanchalik urinmasin, sozni chalamabdi.

Yigitni diqqat bilan kuzatib turgan Alisher Navoiy unga shoir bo'lish uchun kamida uch narsadan boxabar bo'lish kerakligini aytgan ekan. Bular: ko'p o'qish, astoydil mehnat qilish hamda soz chalib, qo'shiq aytish.

So'zlarimni diqqat bilan tinglagan o'quvchi mum tishlaganicha qoldi. Ustoz

yo'xud e'tirof emas, e'tibor kerak



esa, tinimsiz: "Gapingiz to'ppa-to'g'ri, lekin hozir mana bu she'rni chiqarish kerak. Kelajakda jurnalist bo'lmoqchi, shundog'am ko'p o'qiydi, — derdi. "Shoira"ga ko'proq o'qish va mashg'ul qilishni maslahat berib, xayrlashdim.

Tan olish kerak, bugun oramizda havaskor shoiru shoirlar talaygina. Tahririyatga mashqlarini ko'tarib keladi-yu, kamchiligini ko'rsatsangiz ranjib, eshik yopib ketadi. Qolaversa, ota-ona, o'qituvchilar ham yoshlarning she'riyatga havasini benazir iqtidorga yo'yib, ularni havolantirayotgani bor gap. Ijod deya atalmish muhtasham va mo'tabar gulshanga ishtiyok bilan qadam bosishni niyat qilgan yoshlarga to'g'ri yo'l ko'rsatishga, avvalo, ustozlar mas'ul. Yo'qsa, turli ta'na va tazyiqlar bilan mabuo'tda "she'riy satrlari"ni e'lon qildirgan havasmand yoshlar ertaga manman va takabbur, izzatlab "ijodkor" bo'lib kamol topmasligiga kim kafolat beradi?

Shogirdini tahririyatga-tahririyat yetaklab yurgan o'qituvchi uni ko'proq kitob o'qishga undasa, o'quvchisining mashqlarini tahlil etsa, yo'lyo'riq ko'rsatsa, mana bu yangi iste'dodlarni kashf etishda hamda ertasi azim daryolarning buloqlari ko'z ochishida jonbozlik, fidoyilik bo'lar edi.

Achinarlisi, ayrim bo'lajak shoirning she'rilarida "o'g'irlik" alomatlarini payqaymiz. Bu bizga mutlaqo yarashmaydigan ish! Ijod bo'stoniga qadam qo'ymoqni istaganlar faqat darsliklar bilan cheklanmasligi, ko'proq badiiy adabiyot durdonalaridan bahramand bo'lishi lozim, nazarimizda.

Yana bir gap: ba'zi shoirlikka havasmandlar Navoiydek ulug' shoirning ijodini kuzatmagan, afsuski, orasida u haqida bilmaydiganlar ham topiladi.

Ijodkor uka-singillarimdan bir narsani iltimos qilaman — shoir bo'laman, deb o'zingizni har ko'nga solmag. O'z ustingizda ko'proq ishlang, ko'proq o'qing, hamisha izlaning. Yaratganing o'zi yuqungan iqtidor bo'lsa, albatta, yuzaga chiqadi.

Shular haqida o'yab turganimda, eshik qoqib yana bir yigit xonamga kirib keldi...

MENING FIKRIM

Hafiza ABDURAIMOVA,
Xatirchi tumanidagi 42-umumta'lim maktabi
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

O'qituvchilar xalq ma'naviyatini yuksaltira oladigan, jamiyatning eng oldi qatlamidir. Yurtimizda ular har qachongidan-da e'zozda. Bu bizni behad quvontiradi, albatta.

Mas'uliyat e'tiborga yarasha

Bola mustaqil shaxs sifatida shakllanishi, qiziqish va iqtidori kamol topishida o'qituvchining o'zini beqiyos. Maktabga endi qadam qo'ygan o'g'il yoki qiz ustoziga talpinadi, maslahatlariga quloq tutadi. Ustoz bolaga katta maqsadlar sari intilishni, kelajakka umid bog'lashni o'rgatadi. Shuning uchun ham odamlar birinchi ustozini alohida hurmat bilan tilga oladi.

O'qituvchilar nechog'liq sharaflig kasb egalari ekanini haqida o'ylaganimda atoqli shoirimiz Abdulla Oripovning quyidagi satrlari yodimga keladi:

Shoira dedilar: siz — baxtli inson,

El-yurt ardoqlaydi, hamma taniydi.

Shoir javob berdi: menda bir armon,

Muallim desalar meni, qaniydi.

Qanchalik achinarli bo'lmasin, yaqin-yaqingacha o'qituvchilar hali u hujjatni to'ldir, hali bu hujjatni tayyorla kabi topshiriqlardan ortmasdi. Bugun bunday holatga barham berilgani, bizga bir qator imtiyozlar taqdim etilayotgani, oylik maoshlarimiz muntazam ravishda oshirilayotgani jamiyatda yanada obro'-e'tibor topishimizga xizmat qilmoqda.

Endi o'qituvchi ortiqcha majlislariga borib, vaqtini behuda o'tkazmaydi. Bolalardan makulatura, metallom yoki remontga pul yig'maydi. U olindan qimmat vaqtini navqiron avlod vakillariga ziyo ulashishdek olijanob ishga sarflamoqda. Shunga yarasha zimimizdagi mas'uliyatni yanada teran his etmog'imiz darkor, deb o'ylayman.

KITOB JAVONINGIZGA

Jaholatga qarshi muhabbat qissasi

Maftuna VALIYEVA

Dugonam matematik. Aniq fanlarga qiziqqani bois, badiiy asarlarni deyarli o'qimasdi. Men esa, unda adabiyotga havas uyg'otishga astoydil harakat qildim. O'zimdagi bor sara kitoblarni berib, mutolaaga undadim.

Buni qarangi, bir-ikki asarni o'qib chiqqach, dugonam adabiyot olamiga rostmana qiziq boshladi. Shu-shu har gal ko'rishganimizda kitob almashadigan, mutolaadan keyin esa, o'zaro fikrlashadigan bo'ldik.

Yaqinda u qo'limga bir kitob tutqazdi. Eronlik yozuvchi Mushfiq Kozimiyning "Qo'rqinchi Tehron" romani ekan. Mutolaaga kirishdim.

Asar ikki kitobdan iborat. Unda o'tgan asr boshlaridagi voqealar qalanga olingan. Oradan yillar o'tsa-da, voqealar, g'oyalari, betizgin tuyg'ular, orzu va armonlar zanjiri hali-hanuz o'z ahamiyatini yo'qotmagandek tuyuldi menga.

Romanda bosh qahramon Farruxning jaholatga qarshi kurashi, qasos olishga undagan sarguzashtlari va Mahinaga bo'lgan so'f muhabbati haqida hikoya qilinadi.

Farrux atrofidagilarga ezigulik ulashishga intiladigan shaxs. Bu yo'lda tosh kelsa kemirib, suv kelsa simiradi. Mahina ham unga yelkadosh bo'lib, har ishda qo'llab-quv-



vatlaydi. Ikki yosh shuncha mashaqqat, azob-uqubatlarga duch kelsa-da, lekin sevgisidan voz kechmaydi. Bir-biriga sadoqat ko'rsatib, yorug' kunlar kelishiga ishonadi. Bu ikki obraz bugun ham ko'plarga ibrat bo'la oladi. Go'yo ular kitobxoniga haqiqiy sadoqat mana shunday bo'ladi, deya yotgandek.

Kitobni o'qib tugatgach, shukronalik hissini tuydim. Atrofdagilarga mehr ko'rsatish, Vatn koriga yarash nechog'liq olijanob fazilatlar ekanini teran angladim.

Aziz tengdoshim, "Qo'rqinchi Tehron" romanini, albatta, o'qib chiqing. Siz ham undan olam-olam ma'no topishingizga ishonaman.

SHAKARXANDA

Psixolog talabalar bilan mashg'ulot o'tayotgan ekan.

— So'z bilan odamni har ko'nga solish mumkin. Mana, hozir tajriba o'tkazib ko'ramiz, — debdi-da, duch kelgan raqamni terib, telefonda:

— Husanni mumkinmi? — deb so'rabdi.

— Husan bu yerda turmaydi, — degan javob eshitilibdi.

Bir daqiqadan so'ng yana o'sha raqamga terib:

— Husanjonni chaqirib bering, — desa, go'shakdan:

— Husan bu yerda turmaydi dedim-ku! — degan asabiy ovoz eshitilibdi.

— Ana, ko'rdingizmi, jahli chiqiyapti, — debdi psixolog.

— So'z bilan odamni jinni qilib qo'yish mumkin, — dedi bir talaba. — Hozir ko'rasiz.

Talaba xuddi o'sha raqamga qo'ng'iroq qilib:

— Allo! Men Husanman. Meni hech kim so'ramadimi? — degan ekan.



Murodali AVAZOV

Siz Qorbobo borligiga ishonasizmi? Shaxsan men — yo'q! Lekin singlim Anora har Yangi yilda

YOSHLIK ILHOMI

Krossovka kiygan Qorbobo

uning kelishi va ko'plab sovg'alar berishini intilqil bilan kutadi.

Anoraning tasavvurida Qorbobo Qor malikasi bilan birga chang'ida, tog'lardan oshib keladi. Ha, aldagani bola yaxshi-da! Menimcha, bu gaplarni unga ayam aytgan.

Yodimda, bundan ikki yil oldin Yangi yilni uyimizda qo'shnilar bilan nishonlayotgan edik. Bir payt

dadam: "Hozir Qorbobo keladi. U haqiqiy, xuddi kinolardagidek", — dedi. Bu gapga hammadan ko'proq singlim ishonadi.

Eshik taqilladi. Yugurib borib ochdim. Chindan Qorbobo kelibdi. Sovg'a to'la qopi ham bor. Qolganlar orqamdan "guv" etib, tashqariga chiqdi. Hamma xursand. Kimdir chapak chaladi. Yana kimdir o'yiniga tushadi. Ayam Anoraga: "Ana Qorbobo tog'u toshlardan senga

sovg'a berish uchun keldi!" — dedi. Singlim Qorboboni ko'rib: "Bu haqiqiy emas!" — dedi. Dadam: "Qizim, nega bunday deyaapsan?" — deb so'radi hayron bo'lib. Anora esa: "Axir, uning oyog'ida krossovka bor-ku", — deb uyga kirib ketdi.

Anora haq edi. Bu haqiqiy Qorbobo emas, qo'shimiz Yunus aka edi. Hatto o'g'li Shohjahon ham Qorbobodan qo'rqib turgandi. Yunus aka yuzini ochganidan keyin: "Dada!" — deb yugurib borib uni quchoqladi. Singlim bo'lsa Qorbobo haqida eshitganlari yolg'on ekanidan xafa bo'lib o'tiraverdi.

Bir kuni uning tushiga Qorbobo kiribdi. "Yangi yilda senga, albatta, sovg'a olib boraman", — degan ekan. Ertalab nonushta qilayotganimizda singlim xursand bo'lib tushini aytib berdi. Dadam bu yil yana Yunus aka Qorbobo bo'lib uyimizga kelishini ayama ayatayotganini eshitib qoldim. Ishqilib, Qorbobo yana krossovka kiyib kelmasin-da!

HIKMAT

Chinakam do'st aytgan har o'git-masal,
Sirti zahar erur, tomiri asal.

Nosir XISRAB



Lyasse — sovg'a uchun mo'ljalangan kitob yoki bloknot sahifalari orasiga qo'yiladigan maxsus tasma. Oddiy xatcho'pdan farqli o'laraq, u muqovallash vaqtida mahsulotning o'ziga mahkamlanadi.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi
Erkin Abdusattorov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Qiziqingizni o'z ichiga olingan QR-kodni skrinlaringizni olingan qiling

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1236
Adali — 11057
Boshlang'ich topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.35
O'zA yakuni — 23.15

O'fset usulida bosilgan

1 2 3 4 8